

Хотин-қизлар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди



8-март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, “Заковат интеллектуал клуби” ННТ ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Хотин-қизлар ўртасида “Заковат” интеллектуал турнири ўтказилмоқда.

Қумқўрғон туманида ҳам хотин-қизлар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинининг ҳудудий саралаш босқичи ўтказилди. Ўйин қизғин ва баҳс мунозарларга бой тарзда бўлиб ўтди. Шиддатли кечган ойинда ғолиб бўлганлар “Заковат” интеллектуал ўйинининг республика босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритдилар.